# “Маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизим асосида ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг жойларда аҳоли талабидан келиб чиқиб, самарали амалга ошириш учун маҳаллаларга берилган ваколатлар ва ташкилий-молиявий имкониятлар”



“Ҳозир кўпчилик бу тизим қандай ишлашини англаб етмаяпти. Лекин мен бу янгиликни албатта татбиқ этаман. Чунки бизда шу пайтгача **пастга тушиш**, **бевосита халқ билан ишлаш тизими йўқ эди**, буни тан олишимиз керак. Янги тайинланган ҳоким ёрдамчилари **уйма-уй юради, бемор борми, ишсиз борми, жиноятга мойиллар, уюшмаган ёшлар борми, ҳар бири билан астойдил шуғулланади**.”

# МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

## 1 2021 йилда

Республика миқёсида **“Республика комиссияси”;**

Туман(шаҳар)ларда **“Мувофиқлаштирувчи гуруҳ”ва “Бошқарув офис”лари;**

**Ҳар бир маҳаллада “доимий вакил”**лар *(банк ходимлари)* томонидан.

*Ўзбекистон Республикаси В.М.нинг 19.03.21 й.* ***152-сонли*** *қарори асосида*

### ФАОЛИЯТНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

**Республика комиссияси**, **гуруҳ, офис** аъзолари ва **доимий вакиллар** томонидан асосий **иш жойидан ажралмаган ҳолда**.

## 2 2022 йилда

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш **агентлиги**, унинг **ҳудудий бошқармалари**, туман(шаҳар)ларда **марказлари** ҳамда ҳар бир маҳаллаларда **ҳоким ёрдамчилари** томонидан.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.12.2021 й. ПҚ-****31-сонли*** *қарори асосида*

### ФАОЛИЯТНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

*__Маҳаллабай ишлаш агентлиги__ ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди;

*(Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги* ***негизида****)*

**Ҳоким ёрдамчилари** лавозими таъсис этилди;

*(Маҳалла раисларининг тадбиркорлик ва ободонлаштириш бўйича ўринбосарларининг* ***мақбуллаштириш ҳисобига****)*

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН МОЛИЯВИЙ МАНБААЛАР

## 2022 йил учун молиявий манбаалар жами 10,5 трлн. сўм

Оилавий тадбиркорлик дастурлари — 10 трлн.сўм

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси — 500 млрд.сўм

Ижара асосида ер майдонлари — 100 минг гектар

## 2023 йил учун молиявий манбаалар жами 13,5 трлн. сўм

Оилавий тадбиркорлик дастурлари — 13 трлн.сўм

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси — 450 млрд.сўм

Ижара асосида ер майдонлари — 96 минг гектар

# “Онлайн маҳалла” электрон платформасининг умумий ҳусусиятлари

**online-mahalla.uz**

| | |
|---|---|
| **38 та** | Модуллар яратилди |
| **32 та** | Маълумотлар базаси билан интеграция қилинди |
| **298 та** | Жадваллар яратилди |
| **12 млн** | Ҳоким ёрдамчилари томонидан ҳужжатлар яратилди |



# “Онлайн маҳалла” электрон платформасининг асосий модуллари

## ФОЙДАЛАНУВЧИ ТУРЛАРИ

Ҳоким ёрдамчилари учун

Бошқа фойдаланувчилар учун

## МОДУЛЛАР НОМИ

- Хонадонбай - 2023
- Аҳоли томорқаси
- Ишсизлик сўровномаси
- Ажратилган ерлар
- Индивидуал дастур
- Йўл харита
- Кунлик фаолият

- Янги лойиҳалар
- Микромарказлар
- Ўсиш нуқталари
- Тадбиркорбай хатлов
- Бўш бино ва ерлар
- Шарт-шароитлар
- Фойдаланувчилар

- Оилавий тадбиркорлик
- Субсидия ажратиш
- Ишга жойлаштириш
- 20 минг тадбиркор
- Ўқишга йўналтириш
- Самарадорлик кўрсаткичлари

- Бизнес навигатор
- Ўсиш нуқталари
- Имтиёз ва преференциялар
- Кўчмас мулк объектлари
- Аукцион савдолар
- Лойиҳа офислари
- Бизнес режалар

# Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун

Фуқаролар oila-kredit.uz платформаси орқали кредит олишга ариза топширади

Ҳоким ёрдамчиси Онлайн маҳалла платформаси орқали тавсиянома беради

Маркетплейс орқали маҳсулот танлаб олинади ва таъминотчи билан шартнома имзоланади

Маҳсулотни етказиб бергандан кейин Ҳоким ёрдамчиси платформа орқали далолатнома расмийлаштиради

Масъул банк томонидан далолатнома текширилади ва таъминотчига пул ўтказиб берилади

## Кредитлар

***жисмоний шахслар 33 млн. сўм****гача гаровсиз,*
***юридик шахслар 300 млн. сўм****гача гаров таминоти.*

***14 фоиз*** *ставкада ажратилади.*

## Имтиёзлар

- *Тармоқда ўз бизнесини ташкил этиш учун деҳқон хўжаликларига* ***50 млн сўм****гача гаровсиз;*
- *Кредит суммасининг* ***10 млн. сўм****гача бўлган қисми (ҳунармандлар учун* ***20 млн. сўм****гача) банк карталарига;*
- *Дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар* ***100 млн. сўм****гача гаровсиз кредитлар ажратилади.*

## Муддатлари

***3 йил****гача муддатга* ***3 ой****дан* ***6 ой****гача имтиёзли давр билан,* ***чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик*** *учун* ***1 йил****гача имтиёзли давр билан,* ***боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни*** *ташкил этиш учун* ***7 йил****гача муддатга* ***3 йил****гача имтиёзли давр билан,* ***18 ой*** *муддатгача айланма маблағларни учун ажратилади.*

# АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАСИДАН БЕРИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР

| | |
|---|---|
| Енгил конструкцияли **иссиқхоналар** учун субсидия | **9,9 млн сўмгача** |
| **Суғориш воситалари**ни харид қилиш учун субсидия | **3,3 млн сўмгача** |
| **Уруғлик**лар ва **кўчат**лар сотиб олиш учун субсидия | **990 минг сўмгача** |
| Қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига **улуш сифатида** киритиш учун субсидия | **3,3 млн сўмгача** |
| Қўлда гилам ва ипак **мато тўқиш дастгоҳини** харид қилиш учун субсидия | **3,3 млн сўмгача** |
| “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси аъзоларига **ускуналар** харид қилиш учун субсидия | **3,3 млн сўмгача** |
| Балиқ етиштириш бўйича ўқув курсларида **ўқиш харажатларини қоплаш** учун субсидия | **660 минг сўмгача** |
| Ўз фаолиятини бошлаш учун керак бўлган **асбоб-ускуналарни** харид қилиш учун субсидия | **7-10 млн сўм** |
| “Ҳунарманд” уюшмасига **аъзолик бадали** харажатлари учун субсидия | **Тўлиғича** |
| Тадбиркор сифатида **рўйхатдан ўтиш** ва микрофирмаларни рўйхатдан ўтказиш учун субсидия | **Тўлиғича** |
| Ишсизларга олинган бино ва иншоотнинг **ижара тўловини** тўлаш учун субсидия | **3,3 млн сўмгача** |
| Усталарга шогирдлар тайёрлаш, **хом-ашё сотиб олиш** ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун субсидия, **6 ой** давомида | **660 минг сўмдан** |
| Шогирд мустақил ўз фаолиятини бошлаш учун зарур **асбоб-ускуна** ва **жиҳозлар**ни сотиб олишга. Усталарга интернет сайтларини ташкил этиш, реклама ва шу каби харажатлар учун | **8,2 млн сўмгача** |
| ўқув хоналарида касб-ҳунарга ўқитиш қийин бўлган айрим касблар бўйича хар бир шогирд учун **устага берилади**ган субсидия, **3 ой** давомида | **990 минг сўмдан** |

# КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИШ

## I босқич

Фуқаролар ўзига қизиқ бўлган касбни **танлайди** ва Таълим муассасаси, Агентлик худудий бошқармаси билан ўқитиш бўйича **3 томонлама шартнома тузади**

## II босқич

Таълим муассасаси шартнома имзолаган фуқарога **40 соатдан** кам бўлмаган ўқув курсларини олиб боради

## III босқич

Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган фуқарога (**71 баллдан юқори**) **махсус сертификат** тақдим этилади.

## IV босқич

Агентликнинг худудий бошқармаси сертификат олган фуқарога ўқишга сарфланган маблағларининг **70 фоизини компенсация** қилиб берилади.

## V босқич

Фуқарога **“Микрокредитбанк” АТБ** ҳамда **АТ “Халқ банки”** томонидан **225 млн. сўмгача 14 фоизлик кредит** тақдим этилади.

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН 2022-2023 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР

## Ҳоким ёрдамчилари шакллантирган лойиҳалар
**81 263 та**

**360 943** иш ўрни

| | |
|---|---|
| Умумий қиймати | 23,1 трлн. сўм |
| Ўз маблағи | 15,9 трлн. сўм |
| Банк кредити | 7,2 трлн. сўм |
| Саноат соҳасида | 100 331 иш ўрни |
| Хизматлар соҳасида | 222 346 иш ўрни |
| Қишлоқ хўжалигида | 38 226 иш ўрни |

## Ишга туширилган лойиҳалар сони
**62 435 та**

**255 264** иш ўрни

| | |
|---|---|
| Умумий қиймати | 15,1 трлн. сўм |
| Ўз маблағи | 11,2 трлн. сўм |
| Банк кредити | 3,9 трлн. сўм |
| Хизматлар соҳасида | 159 275 иш ўрни |
| Саноат соҳасида | 68 077 иш ўрни |
| Қишлоқ хўжалигида | 27 912 иш ўрни |

## 2022 йилда “оталиққа” олинган лойиҳалар
**8 823 та**

**74 906** иш ўрни

| | |
|---|---|
| Умумий қиймати | 5,8 трлн. сўм |
| Ўз маблағи | 3,7 трлн. сўм |
| Банк кредити | 2,1 трлн. сўм |
| Саноат соҳасида | 32 203 иш ўрни |
| Хизматлар соҳасида | 38 882 иш ўрни |
| Қишлоқ хўжалигида | 3 821 иш ўрни |

## СУБСИДИЯ АЖРАТИШ

| АМАЛДА | ТАКЛИФ |
|---|---|
| “Онлайн маҳалла” орқали **мурожаат** қилади | “Онлайн маҳалла” орқали **мурожаат** қилади |
| **Ишсизлик** ва ижтимоий ҳолати **скоринг**дан ўтади. | **Ишсизлик** ва ижтимоий ҳолати **скоринг**дан ўтади. |
| Ҳоким ёрдамчиси жойида ўрганиб, **тавсиянома** беради | Субсидия ажратиш бўйича **“еттилик” қарор** қабул қилади |
| Бандлик бўлими кўриб чиқиб, **хулоса** беради. | Туман маҳалла бўлими давлат **харидларини** амалга оширади |
| Худудий бошқарма ўрганиб чиқиб, **буйруқ** қабул қилади | Фуқарога субсидия асосида **асбоб-ускуна етказиб** берилади |
| Бошқарма давлат **харидларини** амалга оширади | |
| Фуқарога субсидия асосида **асбоб-ускуна етказиб** берилади | |

## САХОВАТ ВА КЎМАК

| АМАЛДА | ТАКЛИФ |
|---|---|
| Сектор ишчи гуруҳи **уйма-уй** ўрганиш ўтказади | **“Еттилик”** рўйхат шакллантиради |
| Сектор штаби **рўйхат** шакллантиради | Рўйхат Халқ депутатлари **туман кенгашига** киритилади |
| Рўйхат Халқ депутатлари **туман кенгашига** киритилади | Рўйхат **кенгаш** томонидан тасдиқланади |
| Рўйхат **кенгаш** томонидан тасдиқланади | **Саҳоват ва кўмак** жамғармасидан ёрдам кўрсатилади |
| **Саҳоват ва кўмак** жамғармасидан ёрдам кўрсатилади | |

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

| АМАЛДА | ТАКЛИФ |
|---|---|
| Фуқаро давлат хизматларидан фойдаланиш учун **ДХМ**га мурожаат қилади | Фуқаро давлат хизматларини олиш бўйича **ҳоким ёрдам-чисига** муроржаат қилади |
| Сўров тегишлилиги бўйича мутасадди идорага **юборилади** | Сўров **“Онлайн маҳалла”** орқали мутасадди идорага **юборилади** |
| Фуқарога сўров бўйича **хизмат кўрсатилади** | Фуқарога сўров бўйича **хизмат кўрсатилади** |

***Алоҳида** қўшимча хужжат талаб қилинмайдиган давлат хизматларини кўрсатиш бўйича.*

***Мисол учун**, Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш;*

*Бино-иншоотлар ижара шартнома-сини давлат рўйхатидан ўтказиш;*

*Фуқаронинг номида шахсий уй-жойи борлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома бериш;*

*Бино-иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш;*

*Судланганлик, манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш, кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш ва б.*

Adliya Vazirligi Davlat Xizmatlari Agentligi

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

| | |
|---|---|
| **Ишсизларни** даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш | **ҳар ойда камида 10 нафар** |
| **“Индивидуал дастур”** чора-тадбирларини самарадорлигини ўрганиш | **ҳар чоракда бир маротаба** |
| **“Камбағал оилалар”** рўйхатидан оилаларни чиқариш ва киритиш масаласини маҳалла Кенгаши муҳокамасига қўйиш | **ҳар ойда бир маротаба** |
| **Кредит ва субсидиялар** бўйича мурожаатларни жойида ўрганиб, тавсияномалар бериб бориш | **доимий равишда** |
| **Кредит ёки субсидия** ажратилганларнинг фаолиятига кўмаклашиш | **чоракда бир маротаба** |
| **Микролойиҳаларни** амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг ҳал этиш чораларини кўриш (ҳар бирига) | **бир маротаба** |
| **“20 минг тадбиркор ва 500 малакали мутахассис”** дастури доирасидаги ишлар, корхоналар ва фуқаролар бўйича | **ойда бир маротаба** |
| **“Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари”га** ЯТТ, д/х, КБС, ўзини ўзи банд қилганлар ва б. йўналтириш | **Ҳар чоракда камида 3 та** |
| **Аукцион** савдоларига бўш турган бино-иншоотлар ва ер майдонларини чиқари (E-auksion, Yerelektron, K-Savdo); | **Бир ойда камида 1 та** |

| | |
|---|---|
| Маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича **концепция** ва **“йўл харитаси”**ни ишлаб чиқиш | **январь** |
| **Ишсиз** аҳолини аниқлаш бўйича **хатлов ўтказиш** | **ферваль** |
| Тадбиркорбай **хатлов**, **микролойиҳалар** дастлабки манзилли рўйхатини шакллантириш | **март** |
| Кооперативлар ташкил этиш ва уларни **“агрегатор”**лар билан боғлаш ишларини ташкил этиш | **апрель** |
| Ижара ер майдонлари ва томорқада **асосий (эртаки)** экинларни экилиши хатлови | **май-июнь** |
| Ижара ер майдонлари ва томорқада **такрорий** экинларни экилиши хатлови | **июль-август** |
| Ишсиз аҳолини аниқлаш бўйича **хатлов ўтказиш** | **сентябрь** |
| кредит ажратилган фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни ўрганиб, **тадбиркорга айланган** шахсларни ажратиб олиш | **октябрь-ноябрь** |
| Ижара ер майдонлари ва томорқада **тўқсонбости** экинларни экилиши хатлови | **декабрь** |

# ИНДИВИДУАЛ ДАСТУР БЎЙИЧА ИШЛАШ ТАРТИБИ

**МАЪЛУМОТ ТАРИҚАСИДА:** Жон бошига даромадлари миқдори **минимал истеъмол харажатларидан** **(М.И.Х.)** кам бўлган оилалар **“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”**га киритилади. *(18.07.2023 йилдан 568 минг сўм)*

**1**

**1-тоифа**га киритилган ва бошқа эхтиёжманд оилаларнинг **иқтисодий мавкеи**, уларга аввал кўрсатилган ёрдамлар ва уларнинг натижадорлиги, оиланинг даромадини оширишга мавжуд имкониятлари ўрганилади.

**2**

Ўрганиш натижаларига кўра, оиланинг эхтиёж-мандлик даражаси бўйича **коллегиал хулоса** қабул қилиниб, платформанинг “камбағал оила” модулида акс эттирилади. *(раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли томонидан қабул қилинган)*

**3**

Рўйхатга олинган оилалар учун **“индивидуал дастур”** шакллантирилади. Мавжуд барча молиявий инстурментлар биринчи навбатда ушбу оилаларга йўналтирилади. *(имтеиёзли кредит, субсидия, темир, аёллар, ёшлар дафтарлари ва б.)*

**4**

Кўрсатилган кўмак натижасида оиланинг **даромадлари ўзгариши** платформада қайд этиб борилади ва камбағалликдан чиқариш бўйича коллегиал хулоса қабул қилинади

✓ Молиявий инструментлардан фойдаланиш манзиллилиги оширилади, пировард мақсад – кам даромадли оилаларни **камбағалликдан чиқариш** бўйича ишлар **самарадорлиги баҳолаб борилади**.

✓ “Онлайн маҳалла” платформасида барча дафтарлар ва бошқа манбалар ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг самарадорлиги ва кўрсатилаётган кўмак ва молиявий тадбирлар натижадорлиги бўйича ***Ягона маълумотлар базаси** шаклланади.

# КИЧИК БИЗНЕС МАРКАЗЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

**Тадбиркорлик ташаббуси борлар**
*(жумладан ўзини ўзи банд қилганлар)*

**Ўсиб чиққан тадбиркорлар**

**Ишсизлар**

**1**

**Ҳоким ёрдамчиси**

- Кредит *(33-50 млн.сўмгача)*;
- Субсидия;
- Ижарага ер майдонларини ажратишда кўмаклашиш;
- Тадбиркорлик ва касб- хунарга ўқитиш;
- Тадбиркорлик учун жой топиб бериш;
- намунавий бизнес-режалар тақдим этиш.

- Кредит *(300 млн.сўмгача)*;
- Касаначиликка ссуда ва субсидиялар;
- Кооперация асосида иш ташкил этишга кумаклашади;
- Бино ва ер майдонларини ажратиш;
- Инфратузилма билан боғлиқ ва бошқа муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш;
- Тадбиркорликка ўқитиш.

**2**

**Ўсиб чиққан тадбиркорлар**

**Кичик бизнесни ривожлантириш маркази**

**3**

- Кредит *олишда кўмаклашиш*;
- Бизнес-режалар тайерлаш;
- Бозор коньюктураси тўғрисида ахборот билан таъминлаш ;
- Консультатив хизматлар ва б.;

- Кредит *олишда кўмаклашиш*;
- Бизнес-режалар тайерлаш;
- Бозор коньюктураси тўғрисида ахборот билан таъминлаш ;
- Консультатив хизматлар ва б.;

**Кичик бизнес субъектлари**

**4** **Ишсиз аҳолини доимий иш билан таъминлайди**

# III. МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИШЛАТИШ

## АМАЛДАГИ ТИЗИМ

**Жами шаклланган маблағлар** — **2 291** млрд сўм

### I. Моддий ёрдамлар

“**Темир**”, “**Ёшлар**”, “**Аёллар**” дафтарлари маблағлари — **1 791** млрд сўм

**Моддий ёрдам** тайинлашнинг **5 босқичли** тартиби:

1.Фуқаро → Ариза → 2.Масъул идора → Таклиф → 3.Кенгаш → Қарор → 4.Туман ҳокимлиги → Моддий ёрдам → 5.Фуқаро

**Маблағлар тақсимоти маҳалла кесимида мавжуд бўлмаган*

### II. Жамғармалардан субсидиялар

Бандликка кўмаклашиш, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, Касаначилик жамғармаларидан **5 босқичли субсидиялар** бериш тартиби — **500** млрд сўм

1.Фуқаро → Ариза → 2.Ҳоким ёрдамчиси (скоринг тизими орқали) → Тавсия → 3.Бандлик бўлими → Хулоса → 4.Вилоят бошқармаси → Субсидия → 5.Фуқаро

### III. Маҳалла бюджети

**Жорий этилмаган**

## ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ТИЗИМ

**Жами шаклланадиган маблағлар** — **2 718** млрд сўм

### I. Моддий ёрдамлар

“**Темир**”, “**Ёшлар**”, “**Аёллар**” дафтарлари маблағлари — **1 791** млрд сўм

**Моддий ёрдам** тайинлаш **5 босқичдан 3 босқичга** туширилади:

1.Фуқаро → Ариза → 2.Маҳалла “**еттилиги**” → Моддий ёрдам → 3.Фуқаро

**Маҳаллалар кесимида тақсимот қилинади ва ҳисоби юритилади*

### II. Жамғармалардан субсидиялар

Жамғармалардан **субсидиялар** бериш **5 босқичдан 3 босқичга** туширилади — **500** млрд сўм

1.Фуқаро → Ариза → 2.Маҳалла “**еттилиги**” (скоринг тизими орқали) → Субсидия → 3.Фуқаро

### III. Маҳалла бюджети

| | | |
|---|---|---|
| 10% | **Мол-мулк ва ер солиғини** йўналтирилиши ҳисобига | **361** млрд сўм |
| | Бўш турган кўчмас **мулкни сотиш**, бинолар ижарасидан тушумлар | **55** млрд сўм |
| | **Ҳомийлик** маблағлари, **грант** ҳамда бошқа тушумлар | **11** млрд сўм |

**Маҳалла бюджети маҳалла “еттилиги”** қарори билан тақсимланади

# VII. ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## АМАЛДАГИ ТИЗИМ | ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ТИЗИМ

### Субсидия ажратиш йўналишида

**1** 6 босқич, **15 кундан 2 ойгача**

1. “Онлайн маҳалла” орқали мурожаат қилади
2. Ишсизлик ва ижтимоий ҳолати скорингдан ўтади
3. **Бандлик бўлими хулоса тузади**
4. **Вилоят бошқарма** ўрганиб чиқиб, буйруқ қабул қилади
5. Вилоят бошқармаси асбоб ускуналарни харид қилади
6. Асбоб-ускуналар фуқароларга тарқатилади

5 босқич, **8 кундан 10 кунгача**

“Онлайн маҳалла” орқали мурожаат қилиш → Ишсизлик ва ижтимоий ҳолатни скорингдан ўтказиш → Субсидия ажратиш бўйича **“еттилик” қарор қилади** → Туман бўлими давлат **харидларини амалга оширади** → Фуқарога асбоб-ускуна **етказиб беради**

### “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали ёрдам кўрсатиш

**2** 5 босқич **24 кунгача**

1. **Сектор ишчи гуруҳи** уйма-уй юради
2. Сектор **рўйхатни шакллантиради**
3. Рўйхат **Халқ депутатлари туман кенгаши**га киритилади
4. Рўйхат **кенгаш томонидан тасдиқланади**
5. Саховат ва кўмак жамғармасидан **ёрдам кўрсатилади**

3 босқич, **3 кун**

**“Еттилик”** рўйхатни шакллантиради → **“Еттилик”** қарор қабул қилади → Фуқарога **ёрдам кўрсатилади**

### Ишга жойлаштириш

**3** 4 босқич **3 ойгача**

1. Вакант иш ўринлари билан таништиради
2. **Бандлик бўлими**га йўналтиради
3. **Бандлик бўлими** ишга жойлаштириш ўйича йўлланма беради
4. Ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилади

Ҳаммаси хонада ўтирган ҳолда **30 дақиқа**

Вакант иш ўринлари билан таништиради → **“Еттилик”** ишга жойлаштириш ўйича йўлланма беради → Ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилади

## ЁРДАМЧИНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ВАЗИФАЛАРИ

**1.** Ҳар ой камида **10 нафар ишсизни** даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш

**2.** Ҳар чоракда камида **5 нафар** ўзини ўзи банд қилган шахсга **якка тартибдаги тадбиркор** ёки оилавий тадбиркор сифатида иш бошлашига кўмаклашиш

**3.** Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича **микролойиҳалар манзилли дастурини** шакллантиради.

**4.** **Камбағал оилалар** учун индивидуал дастур ишлаб чиқиб, уларнинг **даромадини ошириш** чораларини кўриш

**5.** Ижарага ажратилган ерлар ва томорқаларда **етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юритиш** ва уларни **реализациясига кўмаклашиш**

# VI. ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ

## АМАЛДАГИ ТИЗИМ | ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ТИЗИМ

### 1 “Аёллар дафтари” орқали ёрдам қилиш

**Амалдаги тизим:** 9 босқичда **3 ойдан 1 йилгача**

1. Хотин-қизлар фаоли томонидан **хатловдан ўтказиш**
2. Тоифаларга ажратиш учун **ҳужжатлар тўплаш**
3. Тоифалар **рўйхатини шакллантириш**
4. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ёки “Темир дафтар”га кирмаганини **текшириш**
5. Индивидуал **анкета** шакллантириш
6. **Сектор**дан тавсия хати олиш
7. **Халқ депутатлари** туман қарори асосида “Аёллар дафтари”га киритиш
8. **Васийлик кенгаши** баёнига асосан ёрдам бериш
9. **Халқ депутатлари кенгаши** қарори билан дафтардан чиқариш

**Таклиф этилаётган тизим:** 4 босқичда **7 кундан 15 кунгача**

1. **“Xotin-qizlar.uz”** платформасига онлайн мурожаат қилиш
2. **“Еттилик”нинг қарори**га асосан “Аёллар дафтари”га киритиш
3. **“Еттилик”нинг қарори**га асосан ёрдам кўрсатиш
4. **“Еттилик”нинг қарори**га асосан “Аёллар дафтари”дан чиқариш

### 2 Хотин-қизларга субсидия бериш

**Амалдаги тизим:** 9 босқичда **8 ойдан 1 йилгача**

1. Хотин-қизлар фаолига **мурожаат** қилиш
2. Ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда **ўрганиш**
3. Online-mahalla.uz платформасига **ариза киритиш**
4. Ҳоким ёрдамчисидан **тавсиянома олиш**
5. **Туман бандлик бўлими** томонидан тавсияномани тасдиқлаш
6. **Вилоят бандлик бошқармаси** томонидан қарор чиқариш
7. **Вазирлик** томонидан молиялаштириш
8. **Вилоят бандлик бошқармаси** томонидан асбоб ускуналарни харид қилиш
9. **Туман бандлик бўлимлари** томонидан асбоб ускуналарни тарқатиш

**Таклиф этилаётган тизим:** 3 босқичда **5 кундан 10 кунгача**

1. **Online-mahalla.uz** платформасига ариза киритиш
2. **“Еттилик”нинг қарори**га асосан ёрдам кўрсатиш
3. Хотин-қизлар фаоли томонидан **асбоб ускуналар тарқатиш**

### 4 Хотин-қизларга уй-жой таъмирида кўмаклашиш

**Амалдаги тизим:** 9 босқичда **3 ойдан 1 йилгача**

1. Хотин-қизлар фаолига **мурожаат** қилиш
2. **Сектор**дан тавсия хати
3. **Сектор** томонидан нуқсон далолатномаси тузилади
4. **Васийлик кенгаши** қарори қабул қилинади
5. **Лойиҳа ташкилоти** сметани тузади
6. Лойиҳа **экспертизадан ўтказилади**
7. **Шаффоф қурилиш** тизимига киритилади
8. Ғолиб бўлган корхонани **молиялаштирилади**
9. Таъмирланган хонадонни **банк ўлчовдан ўтказади**

**Таклиф этилаётган тизим:** 3 босқичда **30 кундан 40 кунгача**

1. **“Еттилик”** томонидан нуқсон далолатномаси тузилади
2. **“Еттилик”** томонидан қарор чиқарилади
3. Маҳалла бошқарув сервис компанияси томонидан **таъмирланади**

## ФАОЛНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ВАЗИФАЛАРИ

1. Хотин-қизлар **семириб кетишини** олдини олиш ва соғломлаштириш учун тўғри **овқатланиш** ва **спорт билан шуғулланишни** тарғиб қилиш
2. Ота-оналарнинг фарзандлар **тарбиясидаги масъулиятини** ошириш ва **ажрим ёқасида** турган оила билан **индивидуал** ишлаш
3. **Миллий либосларни** тарғиб қилиш, замонавий ва миллий қадриятларни **уйғунлаштириш**
4. **Туғишда оралиқ муддат**га риоя этилишини, **бола сони оиланинг имкониятидан** келиб чиқиши лозимлигини тарғиб қилиш
5. **Тазйиқ** ва **зўравонликдан**, **одам савдоси** ва бошқа **радикал элементлардан** жабр кўрган аёллар билан ишлаш

# VIII. ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

| | АМАЛДАГИ ТИЗИМ | ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ТИЗИМ |
|---|---|---|
| **1. Субсидия ажратиш йўналишида** | **25 турдаги ёрдам кўрсатади** (олийгоҳларга тўлов контракт, касбга ўқитиш, даволаш харажатларини тўлаш ва ҳ.к.) | **28 турдаги ёрдам кўрсатади** *(қўшимча 3 турдаги ёрдам)* → Меҳнат қуроли ва асбоб-ускуна **харид қилиш** → Нотурар жой ижара харажатларини тўлаб бериш → Уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун **субсидия бериш** |
| **2. Хорижий давлатларга чиққан ёшлар билан ишлаш** | Хорижга чиққан ёшларнинг шароити, меҳнат фаолияти бўйича маҳалла ва тумандаги масъулларнинг **хабардорлиги етарли эмас**<br>Хорижий давлатларга кетаётган ёшлар ва маҳалла етакчисининг **ҳамкорлиги йўлга қўйилмаган** | Миграцияга кетаётган ёшларнинг ёшлар етакчисига **хабарнома бериш тизимини жорий этиш** → **“Хориждаги ёшлар баланси”ни** шакллантириш ва улар билан тизимли ишлаш → Хорижий давлатларда таҳсил олаётган **ўзбекистонлик ёшларни** “Ёшлар дафтари” тизими орқали **қўллаб-қувватлаш** → Россия, Корея, АҚШ, Туркия, Қозоғистонда **“Ўзбекистон ёшлари умумаҳон ассоциацияси”нинг расмий ваколатхоналарини очиш** |

## ЕТАКЧИНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ВАЗИФАЛАРИ

**1.** Ҳар ойда камида **20 нафар** ёшларни спорт, мусиқа ва фан тўгаракларига жалб этиш, ҳар ҳафта камида **бир марта** маънавий ёки спорт **тадбирини** ўтказиш

**2. Миграция истагида бўлган ёшларни** меҳнат мигрантларига эҳтиёж юқори бўлган давлатлар талаблари асосида **ўқитиш**

**3.** Маҳаллада **“Ёшлар бандлиги дастури”** ижросини таъминлаш, завод ва фабрикалардаги бўш турган биноларда **устахонлар** ташкил қилиш

**4.** Мактаб ўқувчиларини камида **битта ҳунар** ва **иккита хорижий тилни** ўрганган ҳолда битиришини таъминлаш

**5.** Ҳар ойда камида **5 нафар ишсиз ёшлар** ва **мактаб битирувчиларини иш билан таъминлаш**

# X. МАҲАЛЛАДА ИШ ЮРИТИШНИ ҚУЛАЙЛАШТИРИШ



| АМАЛДАГИ ТИЗИМ | | ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ТИЗИМ |
|---|---|---|

**1** Базалар ўзаро интеграция қилинмаган

**Маҳалладаги маълумотлар базаси**

Амалдаги тизим:

1 “Online mahalla” (Ҳоким ёрдамчиси) → 2 “Xotin-qizlar.uz” → 3 “Yoshlar portali” Ёшлар етакчиси

Таклиф этилаётган тизим:

**“Маҳалла баланси”** ягона электрон платформаси яратилиб унда:

“Online mahalla”, “Xotin-qizlar.uz”, “Yoshlar portali”даги маълумотлар **интеграция** қилинади → Уйма-уй юришда йиғилган **маълумотлар** → **Ёрдам** ва уни олган **шахслар** тўғрисида маълумот → **“Еттилик”**нинг фаолияти баҳоланади → Берилган ёрдам ва субсидия **мониторинги** → Иш берувчи ва иш изловчиларни **бир-бирига боғлаш** → уй-жойлар бўйича **нотариал ҳаракатлар тўғрисида маълумот** → **Никоҳ тузиш** бўйича ариза берганлар тўғрисида маълумот

**2** **Фуқаро ишини маҳаллада битказади**

Амалдаги тизим:

Давлат хизматларидан фойдаланиш учун туман марказига борилади → Ишсизлик мақомини олиш учун туман маркази бандлик бўлимига борилади

Таклиф этилаётган тизим:

Маҳаллада **19 та** турдаги давлат хизмати кўрсатилади → **Ишсизлик мақоми** маҳалланинг ўзида берилади

**3** **“Еттилик”нинг қоғозбозлиги енгиллашади**

Амалдаги тизим:

Хотин-қизлар фаоллари **32** турдаги жадвални тўлдиради → Платформаларга паспорт, туғилганлик гувоҳномаси, никоҳ гувоҳномасидаги маълумотлар қўлда киритилади → Маҳаллада **100** дан ортиқ йиғма жилд юритилади

Таклиф этилаётган тизим:

**“Еттилик”** ҳисоботи ягона платформада юритилади → **“Еттилик”**дан платформадаги маълумотлардан бошқа ҳисобот талаб қилиниши тақиқланади → Ҳисобот юритиш платформаси бошқа маълумот базасига интеграция қилиниши орқали шахсга доир маълумотларни қўлда киритишдан халос бўлинади

**4** **Ходимларнинг фаолияти мувофиқлаштирилади**

Амалдаги тизим:

Маҳалладаги ҳар бир ходим ўзаро мувофиқлаштирилмаган вазифаларни бажаради → Битта фуқаро давлат бюджетидан молиялаштириладиган турли манбалардан бир вақтнинг ўзида ёрдам олади → Натижада айрим фуқаролар бундай ёрдам ололмасдан қолади

Таклиф этилаётган тизим:

Маҳаллада фаолият юритувчи ходимларнинг иши ўзаро мувофиқлаштирилади → **“Маҳалла баланси”** шакллантирилади

# 2022-2023 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

## ДАРОМАДЛИ МЕҲНАТ БИЛАН БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАНЛАР

| Доимий ва мавсумий ишга | Якка тартибдаги тадбиркорликка | Ер ажратиш ҳисобига | Ўзини ўзи банд қилган | Жамоат ишларига |
|---|---|---|---|---|
| 3.1 млн | 173 минг | 654 минг | 2.2 млн | 254 минг |

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Ажратилган имтиёзли кредитлар**

Лойиҳа сони 754 мингта — 17 трлн сўм

**Ажратилган субсидиялар**

Фуқаролар 114 минг нафар — 428 млрд сўм

**Касб-хунарга ўқишни тамомлаганлар**

309 минг нафар

**Янги тадбиркорлик субъектлари**

| Юридик | ЯТТ |
|---|---|
| 150 мингта | 162 мингта |

**Кичик маҳаллабай лойиҳалар**

| Лойиҳа сони | Қиймати | Янги иш ўрни |
|---|---|---|
| 57 мингта | 12 трлн сўм | 232 мингта |